

ЧЎЛПОННИНГ МУМТОЗ ШОИРЛАР ИЖОДИГА МУНОСАБАТИ

Зилола АМОНОВА

филология фанлари номзоди, доцент,

Бухоро давлат университети

amonova77@mail.ru

Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг яловбардоридир. Унинг нафақат шеърий асарлари, балки мақолалари ҳам XX аср бошларидаги мудроқ халқни уйғотишдек хайрли ишга хизмат қилди. Чўлпон адабиётшунос олим ва танқидчи сифатида кенг танилди. Унинг адабий-танқидий мақолаларида янги давр адабиёти, санъати масалалари, жаҳид-маърифатчилик ғоялари ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти ва унинг номоёндалари ҳақидаги қарашлари илгари сурилди. Муаллиф Навоийнинг 500 йиллиги тантаналари ҳақида гапирди: “500 йил ўзбекчиғатой адабиёти тарихига аллақанча нарсалар берган, унда қанча ўзгаришлар ясаган жуда узун бир муддатдир. Ўз адибларига 5-6 асрлик бир тарих яшата билган халқлар унча кўп эмасдир. Демак, бизга ҳам шу бир йил орасида шундай катта бир шодлик, катта бир байрам ўтказишга тўғри келадир” (2, 20) – чамаси, Чўлпон мутафаккир олим юбилейини нишонлашни назарда тутган. Шоир туркий адабиётни жаҳоний мавқега кўтарган Алишер Навоийни юксакларга кўтаришни, унинг бизга қолдирган меросини қадрланишини хоҳлайди ва билим ҳайъатига ўзининг бир қанча таклифларини ёзади: “...мен айтмоқ истайманким, Навоийнинг 500 йиллигини биз ҳам тегишлик даражада тантана билан ўтказишга шу тобдан ҳозирлана бошлайлик. Бу йўлда мен куйидаги чораларни таклиф қилиб, Ўзбек билим ҳайъатининг диққатини шунга жалб қилур эдим” (2, 20). Чўлпон бу борада ўзининг бир қанча таклифларини беради. Жумладан, 500 йиллик байрамни мумкин қадар тантана билан ўтказиш учун масъулларни белгилаш зарурлигини биринчи навбатда қайд этади. Мазкур масъуллар Навоийнинг нашр бўлмаган асарларини топиб, байрамгача чоп этиш чорасини кўришлари лозимлигига алоҳида урғу беради. Чўлпон Навоийнинг мукамал таржумайи ҳолини ёздириш зарурлиги ҳамда улуғ мутафаккирнинг асарларидан терма бир китоб тузиб, нашр эттириш лозимлигини ҳам таъкидлайди. Шунингдек, Навоийноминабадийлаштиришмақсадидақуйидагитаклифларни беради:

1. Навоий номига юқори ўқиш юртларининг адабиёт тил факультетларида ўзбек талабалари учун истипендиялар очулсун.
2. Ўзбекистон пойтахтида Навоийга ҳайкал тикулсин.
3. Баъзи бир шаҳарларнинг кўча исмлари Навоий отиға қўйилсун (2,21).

Чўлпон яшаган ижтимоий тузум, қатағон сиёсати унингбу орзуларини рўёбга чиқишига йўл қўймаган. Ҳозирда эса бут аклифларнинг барчаси амалда ўз аксини топди. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини чинакам илмий тамойиллар асосида ўрганиш XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. Улуғ шоирнинг “Хамса”сини илмий, йўсинда ўрганиш соҳасидаги дастлабки дадил қадамни ўзбек халқининг серқирра адиби ва биринчи профессор Абдурауф Фитрат қўйди. Собиқ Иттифоқ ҳукуматининг 1938 йили Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини 1941 йили нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилиши навоийшунослик борасидаги ишларни янада жонланишига сабаб бўлди. Беш асрлик ёш тўйи муносабати билан улуғ шоирнинг “Чор девон”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Маҳбубул-қулуб” ва яна бир қанча асарлари ҳам чоп этилди. 1941-йилда собиқ иттифоқ ҳудудининг II жаҳон уруши жанггоҳларига айланиши туфайли Алишер Навоий юбилейини кенг миқёсда тантана қилиш кечиктирилади. Улуғмутафаккиршоиртаваллудининг 500 йиллиги 1948-йил май ойидатантаналисуратдаўтказилади. Шу йили таниқли ёзувчи Ойбек таҳрири остида “Улуғ ўзбек шоири” номли иккита мақолалар тўплами (ўзбеква рус тилларида), О.Шарафиддинов, Садриддин Айнийларнинг илмий рисоалари чопэтилди (1,204-206). Мустақилликка эришганимиздан сўнг, ҳуди Чўлпон хоҳлагандек “Навоий” номидаги стипендия жорийэтилди. Кўпгина шаҳар ва ундаги айрим маҳалла ва кўчаларга “Навоий” номиберилди. Энг қувонарлиси, Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилганлиги ва пойтахтимизда Навоийга ҳайкал тикланганлигидир. Шунингдек, 2002-йил ноябрь ойида Москва шаҳрида Навоий бобомиз ҳайкалининг қад ростлаши икки мамлакат маданий ҳаётида муҳим воқеалардан бўлди. Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилган Добринск майдони бугун Москванингэнг обод ва файзли масканларидан бирига айланган. Бундан ташқари, Алишер Навоий ҳайкали Вашингтон, Япония, Озарбойжон, Қирғизистон, Боку, Токио, Ўш, Ашхобод ва Навоий шаҳарларида ҳам бор.

Кўрибтурганимиздек,

Чўлпоннингбуокниятлариватаклифлариўзиорзуқилганмустақилликйилларидаам алгаошди.Чўлпоннинг мумтоз ижодкорлар ҳақидаги яна бир мақоласи “Увайсий” деб номланган. Мазкур мақола “Янги турмуш” журналининг 1936-йил 4-5 қўшма сонидида эълон қилинган. Шоир Увайсий ҳақидаги мулоҳазаларини машҳур Ироқ куйи билан боғлиқ фикрлар билан бошлайди. Маълумки, классик мақомлар орасида энг кўп ёйилгани, шубҳасиз, “Ироқ” куйидир. Уни Бухоронинг шашмақомчи ҳофизлари кўп айтишар эди. Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов ҳофиз бу куйни халққа танитган кишилардан эди. Бу ҳақида Чўлпон шундай ёзади:

“Тўйчи ака ва унинг жўралари ҳам уни бошқача қилиб ишлаб, омма орасига ёйдилар. У сахнамизда энг аввал “Ҳалима” воситаси билан жаранглади. “Ҳалима” нинг биринчи дастлабки вариантыда “Ироқ” куйи йўқ эди, кейинча пиесани бир қадар ишлашгатуғри келган вақтда Ҳалима (қиз)нинг арияси бўлиб сахнага чиқди. Кўпчилик ёқтирди ва у том маъноси билан гражданлик қозонди” (2, 45).

Чўлпон тилга олган “Ҳалима” – драматург Ғ.Зафарийнинг шу номли драмаси бўлиб, илк бор 1920-йилда сахналаштирилган бу асар 20-30-йилларда бир неча ўн марталаб ўйналган. Айнан мана шу “Ироқ” куйини ўқувчи ҳофизларимиз Увайсийнинг:

*“Забонингни кетурғил, эй шакарлаб тўти гуфтора,
Нечиккиммарҳаматбўлсиннечамандекдилафзора”*

Деб бошланадиган машҳур ғазалини ўқиб келадилар. Чўлпон ўз мулоҳазаларини давом эттириб шундайёзади:

Ана шу ғазални ёзган Увайсий Умархон даврида яшаган аёл шоирлардан бўлиб, номи Жаҳонотин эди. У “эваз” бахрли бир ғазалининг охирида ўз таҳаллуси ва исмини мана бундай қилиб билдиради:

*“Йўқотиб ўзни фано мартабасига етакўр,
Вайсий номим менин гулноми Жаҳонимга эваз”*(2,45).

Юқорида Чўлпон айтибўтган “эваз” бахрли жумласида бироз янгилишиб кетган, чамаси, чунки, “эваз” радифли деб ёзилишикеракэди.

Маълумки, Жаҳон отин асли марғилонлик бўлган. Умархон ўрдасида хоннинг ўзи бошлиқ бир неча шоир бўлганини ва уларнинг тез-тез тўпланиб мушоира қилишларини эшитган Увайсий ўша шоирлар мажлисиг ақатнашишни орзуқилади. Шоиранинг саройга бориб шуаро мажлисларидаги иштирокиҳақида Чўлпон шундай ёзади: “Кўқонга бормоқчи бўлиб отасидан ижозат сўраганида отаси унинг талабини қайтармасада, қизнинг саройдаги шоирлар мажлисига киришга ёрдам кўрсатар деган умид билан Кўқондаги обрўли одамлардан бир дўстининг ҳовлисига юборади. У одам, қизнинг гшоира бўлса ҳам ҳали ёшэ канини кўриб, иккиланади:

– Бу ҳолингизга бориб киролмассиз. Биронта қари хотинқиёфасида бориб кўрсангиз, – дейди.

Жаҳонойи қарикампир кийимларини кийиб, эски паранжи ёпиниб ўрдага боради. Уни киритмайдилар. Сўнгра у “Забонингни” дея бошланган ғазалидан икки мисра ёзиб мажлисга киритади. Шундан сўнг уни шоирлар мажлисига киритадилар. Фақат у ерда унинг қари кампир эмас, ёш бир жувон экани билингандан кейин, бирор“фитна” чиқмасин деб бўлса керак, уни дарҳол сарой ичкарисига киритиб юборадилар. Шу бўйича Жаҳонойи Умархон саройида қолиб кетади ва сўнгроқ “Жаҳонотин” деб шуҳрат чиқаради” (2, 46).

Увайсий саройда яшаган даврида Марғилоннинг Қаландархона деган жойида бир уй солдирган экан. Унинг “Карбаланома”си, “Девон”и ва Муҳаммадалихонга бағишланган “Хитой сафари” номли асарлар ёзганлигини ҳам Чўлпон қайд этиб ўтади.

Шунингдек, Чўлпон Увайсийнинг машхур “Анор” чистони ва унинг яратилиши билан боғлиқ маълумотларни ҳам келтиради. Айтишларича, Жаҳонотинга бир кун дастурхон бошида анорни кўрсатиб, шу тўғрисида бирор нарса айтишни илтимос қилишади. Ўша заҳотиёқ Жаҳонотинанор тўғрисида шеър ёзади. Бадеҳагўйлик йўли билан ёзилган бу шеър анорни жуда гўзал ва санъаткорона тасвирлайди:

*Бу на гумбаздир, эшигитуйнугиданйўқнишон,
Нечагулгунпўшқизларманзилаайлабдирмакон,
Синдирибгумбазниқизларҳолидаолсам хабар:
Юзларигапардатортизликтурурлар бағри қон.*

Увайсий адабиётда тараққийпарвар намояндаларнинг қарашлари асосида майдонга келган инсон тақдири, шахс эрки ва маърифатпарварлик ғояларини латиф ва дилкаш асарлари орқали давом эттирди. Айниқса, асарларида инсонни эъозлаш, одамларни табиат ва ҳаёт ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишга ундаб, дўстлик, вафо ва садоқат ҳақидаги улуғвор ниятларини ифодалади. Унинг асарларида Куръон оятлари, ҳадислар ва тасаввуфий талқинлар билан боғлиқ жиҳатлар ҳам мавжуд. Унинг шеърларида тариқатнинг талаб ва қоидаларига таалуқли бўлган талқинлар ҳаму чрайди.

Увайсий асарлари ўзининг латиф мазмуни ва дилкаш бадиийлиги билан халқоммаси орасида кенгёйилган, ҳофизлар, хонандалар томонидан мақом ва халқ оҳанглари йўлида қуйланиб келинади.

Чўлпон ўзининг мазкур мақолалари орқали мумтоз адабиётимиз билан боғлиқ айрим жиҳатларга аҳамият қаратади. Алишер Навоий ва ўзбек шоирлари орасида муносиб ўринга эга бўлган Увайсий ҳақида маълумот берибгина қолмай, халқимизни ана шундай мутафаккирларни етиштириб берган буюк халқ эканлигига ҳам урғу беради. Шу ўринда улар қолдирган маънавий меросдан баҳраманд бўлиб, асарларини нашр этиш ва оммалаштириш зарурлигига урғу беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Воҳидов Р., Эшонқулов Ҳ. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.
2. Чўлпон. Адабиёт надир. –Т.: Чўлпон, 1994.